



13.03.2019



КЕЧ тушиб қолган, айна палла қишлоқ кўчасида икки нафар ИИБ ходими одимини жадаллатганча, гурунглашиб боришарди...

Бугун Муродбой (исм-шарифлар ўзгартирилган) жой тўйи ўтказди. Байрам-базм ўрнида. Ошналар Жуманиёз, яқинда Россия Федерациясидан келган Матназар, Шербек ва Қурбонлар ҳам шу ерда эди. Ҳаммалари ичкиликнинг забтига учраган, бошлари қизиганди. Бир дам Жуманиёз уйига қайтиш баҳонасида ташқари чиқди. Унинг ортидан қолган таниш ёр-ошналар эргашди.

— Россиядан келганимиздан бери меҳмонга чақирмадинг, Жуманиёз, — деб гина қилиб қолди Матназар. — Кўп нарса сўрамаймиз...

— Уйимнинг тўри сеники, — деди Жуманиёз паст тушишга унамай. — Борсанг меҳмон қиламан.

Гап шу бўлди. Жуманиёз уйига жўнади. Қолганларнинг “боши гангиб” мезбон — Муродбойникида қолди. Орада Жуманиёзнинг меҳмонга чорлови Матназарнинг ёдига тушиб қолди, шекилли, қаватига Шербекни олиб Жуманиёзникига жўнадилар. Хулласи зиёфатнинг давоми ўша ерда давом этадиган бўлди. Меҳмонновозлик-йиғиннинг авжида Қурбон чўнтагидан қарта чиқариб қолди. Ҳаммани “ўйинга” чорлади.

— Қани, бу ёғига “бир қўл”дан ташлаймиз...

...Қинғир йўлнинг охири лой. Қартабоз ошналар бундай қўр солиб қимор ўйнаб турганларида уйга ИИБ ходимлари келиб қолди. Жуманиёзнинг кайфи учди. Жазо тайин. Унга каттагина жарима солинди.

Олимбой МАШАРИПОВ,

жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди судьяси

Сўнгги янгиликлар:

- [Ҳокимият сансалорлигига чек қўйилди \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [3]
- [Юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [4]
- [Бола ҳуқуқлари тикланди \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [5]
- [Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтган “ишбилармонлар” иши фош бўлди \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [6]
- [Оилавий ажримлар бунда кўпроқ болалар азият чекмоқда \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [7]
- [Наврўз тарихига бир назар \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [8]
- [Баркамол авлод тарбияси бунда “Ватанпарвар” ташкилотининг ўрни беқиёс \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [9]
- [Ўзбекистонда транспорт-логистикаси марказларига яратилган имкониятлар: самара ва натижалар \(биринчи мақола\) \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [10]
- [Инсонлар бахтли бўлиш учун тенг ҳуқуққа эга \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [11]
- [Заминни қутқар, болакай! \(Ҳикоя\) \(2019 йил, 10-11 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4636>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4636>
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4636>
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4656>
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4654>
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4653>
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4652>
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4651>
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4650>
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4648>
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4647>
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4646>
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4644>